



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT YIG'ILISHI BAYONI

2025-yil 7-oktyabr

№ 16

Toshkent sh.

Хайъат раиси	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев
Иштирок	Р.Қаршиев, Ў.Шералиев, З.Ишпулатов, Д.Ходжаахмедов,
этдилар:	А.Ўразкелдиев, М.Наджимов
Таклиф	Э.Исамов-Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
этилганлар:	бошқарма бошлиғи
Қатнашганлар:	
Республика	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хайъат
студиясида:	аъзолари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари, Оммавий ахборот воситалари ходимлари <i>(рўйхат бўйича)</i>
Худудий	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири,
студияларда:	ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари, Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, йирик гидротехник иншоотлар ва сув омборлари, ирригация тизим бошқармалари, “Сувқурилишинвест” ҳамда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари директорлари ва “Ўзсувқурилиш” АЖ таркибидаги масъулияти чекланган жамиятлар раҳбарлари <i>(рўйхат бўйича)</i>

Хайъат раиси кун тартибига киритилган масалалар билан хайъат йиғилиши катнашчиларини таништирди ва муҳокамага қўйди. Йиғилиш кун тартиби ва иш регламенти хайъат аъзолари томонидан тўлиқ овоз билан тасдиқланди.

I. Вазирлик тизимида 2025 йилнинг 9 ойи давомида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатлари билан жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида

(Хамраев, Қаршиев, Шералиев, Ишпулатов, Юсупов, Тахиров, Файзиллаев, Турдибоев, Сиддиқов, Садинов, Риззаев, Раджабов, Алимов, Атакулов, Курбонов, Турсунов, Тоиров, Хамраев)

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев, вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Ў.Шералиев ва Вазир ўринбосари - Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги директори З.Ишпулатов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари томонидан тақдим этилган ахборот ва ҳисоботларни тинглаб, ҳисобот даврида қайд этилган хато-камчиликлар ва колоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, вегетация мавсумида мавжуд суғориш тармоқларини, шу

жумладан, вилоятлараро ва магистрал каналлар, ирригация тизимлари, ички хўжалик суғориш тармоқларини, насос станциялари, суғориш ва мелиоратив кудуқларни жорий йил вегетация мавсумида узлуксиз, тўлиқ ва кафолатли ишлашини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2025 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор қилди:

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги Фармони “*Ўзбекистон-2030*” стратегиясини “*Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида*”ги ПФ-16-сонли Фармони билан 2025 йилнинг 9 ойига белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасидаги амалга оширилган ишлар **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Ў.Шералиев, З.Ишпулатов, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарларига сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда сув ва энергия ресурсларни тежаш бўйича 2025 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар **талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.**

3. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларда баён этилган кўрсатма ва топшириқларнинг ижросини кечиктириб бажариш, шунингдек, белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминланмаслик ҳолатларидан тегишли хулоса чиқариши, шахсий масъулият ва жавобгарликни, ижро интизомига қатъий ва сўзсиз риоя этмаслик ҳолатлари учун **интизомий жазо муқаррарлигини ҳис этган ҳолда фаолиятини ташкил этиши уқтириб ўтилсин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 июндаги “*Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида*”ги ПҚ-222-сонли қарори ижросини таъминламаганлиги, энергия ресурсларидан фойдаланишда исрофгарчиликни камайтирмаганлиги, сув хўжалиги объектларида энергия самарадорлигини ошириш ҳамда энергия ресурсларидан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланишни тизимли йўлга қўймаганлиги учун Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиги У.Тўхтаровга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ “*ҳайфсан*” эълон қилинсин.

Вазир ўринбосари - Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги директори З.Ишпулатов ушбу интизомий жазони расмийлаштириш бўйича **2 кун муддат ичида** “Интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида”ги буйруқ қабул қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025–2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–454-сон қарори билан 2025 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижросини талаб даражасида таъминламаганлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Б.Юсупов, Норин-Қорадарё (И.Тахиров), Аму Бухоро (Э.Файзиллаев), Норин-Сирдарё (Ж.Риззаев), Зарафшон (Ф.Раджабов), Чирчиқ-Оҳангарон (Б.Қурбонов), Чапқирғоқ Амударё (О.Тоиров) ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқларига;

“Қорақалпоғистонсувқурилишинвест” давлат муассасаси (Кайпов), “Андижонсувқурилишинвест” давлат муассасаси (Холмирзаев), “Бухоросувқурилишинвест” давлат муассасаси (Қодиров), “Намангансувқурилишинвест” давлат муассасаси (Таджибаев), “Самарқандсувқурилишинвест” давлат муассасаси (Бердимуродов), “Тошкентсувқурилишинвест” давлат муассасаси (Исломов), “Питнаксувқурилишинвест” давлат муассасаси (Юлдошев) директорларига жорий йилнинг 9 ойлигида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилишида йўл қўйилган қолоқликлар ва объектларда қурилиш ишларини талаб даражасида ташкил этмаганлиги учун **огоҳлантириш эълон қилинсин;**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича 2025 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндашганлиги учун Бўстон, Қарши, Чироқчи, Чортоқ, Қораўзак, Шахрихон, Когон, Китоб, Муборак, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Бўзатов, Чимбой, Қораўзак, Китоб, Қизирик, Олтинсой, Сариосиё, Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё, Ўрта-Чирчиқ, Юқори-Чирчиқ ва Зангиота туманлари “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари директорларига **сўнги маротаба огоҳлантириш эълон қилинсин;**

Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, “Сувқурилишинвест” ҳамда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари раҳбарлари томонидан белгиланган режа-прогноз кўрсаткичлар ижросини таъминлаш борасидаги ишлари жорий йилнинг 10 ойлиги якуни билан танқидий руҳда муҳокама қилиниб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.

6. Вазирнинг ўринбосари Ў.Шералиев, Молия-иқтисод масалалари бошқармаси В.Рахимовлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сон қарорига асосан 15 та насос станцияларга ўрнатилиши режалаштирилган 13,9 МВт қувватдаги қуёш панеллари учун талаб этиладиган маблағларни **бир ҳафта муддатда** ажратилишини таъминласинлар.

7. Вазир ўринбосари Ў.Шералиев, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори в.в.б С.Астановларга:

5 кун муддатда Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи И.Қурбонов билан биргаликда “Қарши насос станциялари каскадини

капитал-қайта тиклаш (III фаза)” лойиҳаси доирасида 2025 йилда қурилиш-монтаж ишлари учун Давлат бюджетидан ажратилган 10 млрд. сўм маблағларнинг жорий йил IV-чорагида сарфланиши бўйича таклиф киритиш;

5 кун муддатда “Оролбўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш” лойиҳасининг 2-босқичини доирасида “Кегейли” каналини реконструкция қилиш пакети бўйича бош пудратчилар аниқланиши бўйича баҳолаш ҳисоботини Осиё тараққиёт банкига юборилишини таъминлаш;

10 кун муддатда “Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ирригация инфратузилмасини реконструкция қилиш” лойиҳасини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб бориш ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш;

10 кун муддатда “118 та насос станцияларини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида 3 -пакет бўйича бош пудратчилар билан шартномалар имзоланишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

8. Вазир ўринбосари Ў.Шералиев, Сув хўжалиги объектлари самарадорлигини таъминлаш бўлими (Қурбонов), Сув хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш департаменти (Хужакулов) Булунғур туманида “Булунғур” сув омборини қуриш объектида қурилиш ишларини давом эттириш бўйича:

икки кун муддатда объект бош пудратчисини бошқа салоҳиятли пудратчи корхонага ўзгартириш юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимлигининг таклифини олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритилишини;

“UzGIP” МЧЖ (Рўзиев) билан биргаликда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини объектда ўтказилган назорат ўлчовида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ва камчиликларни инобатга олган ҳолда лойиҳа ҳужжатларини қайта ишлаб чиқишлигини таъминласинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари, Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, магистрал каналлар, сув омборлари ва сел-сув омборлари ҳамда хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектлари, ирригация тизим бошқармалари ҳамда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари раҳбарларига:

2 кун муддатда жойларда 2025 йилнинг йилнинг 9 ой давомида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалаларни танқидий руҳда муҳокама қилиб, уларни зудлик билан бартараф этиш ва ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан вилоят, туман ва ҳар бир сув хўжалиги объекти кесимида чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, вазирликка тақдим қилиш ҳамда унинг ижроси ҳақида ҳар ой якуни билан Вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим қилиб бориш;

5 кун муддатда “Suv hisobi” ахборот тизими орқали жорий йил сентябрь ойида сув етказиб берувчи ташкилотлар ва сув истеъмолчилари ўртасида расмийлаштирилган далолатномаларни электрон шаклда тўлдириш ҳамда электрон рақамли имзо орқали тасдиқланишини ташкил ва таъмин этиш;

5 кун муддатда 9 ойлик якуни билан туман ҳудудига етказиб берилган сув миқдорини якуний истеъмолчилар кесимида аниқ ҳисобга олиниши ҳамда истеъмолчилар кесимида истеъмол қилинган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ҳудудий солиқ органларига ва вазирликка тақдим этиш;

бир ҳафта муддатда 2026 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларида эгилувчан қувурлар орқали суғориш ишларини ташкил қилган ҳолда ҳар бир ҳудудда қўшимча 50 комплектдан қувурларни харид қилиш;

10 кун муддатда барча сувдан фойдаланувчилар билан сувдан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузиш ишларини тўлиқ якунига етказиш;

10 кун муддатда 2026 йил ҳосили учун экилаётган ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий қилиш мақсадида “suvkredit.uz” АТ орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва қурувчи-пудрат корхоналари ўртасида пудрат шартномаларини расмийлаштириш ҳамда унга мувофиқ молиялаштириш чораларини кўриш;

15 кун муддатда 2025-2026 йиллар куз-қиш даври учун халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан тасдиқланган сув олиш лимитларни “Suv hisobi” ахборот тизимига тўлиқ киритишни таъминлаш;

бир ой муддатда молиялаштирилган майдонларда қурилиш ишларини якунлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ишларни доимий мониторинг қилиб бориш;

бир ой муддатда Давлат раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларни бажариш мақсадида сув етказиб бериш хизматлари томонидан 500 млн сўмдан, жами 80 млрд сўм маблағларни суғориш тармоқларини бетонлаш ишлари учун қурилиш материаллари ва махсус техникалар (бетон аралаштиргич) харид қилиш чораларини кўриш;

1 ноябрга қадар тизим ташкилотлари фойдаланишидаги кадастр ҳужжатлари қилинмаган бино ва иншоотларини Кадастр палатаси ҳудудий бўлинмаларда давлат рўйхатидан ўтказилишини ташкил этиш, ушбу ишларга ажратилган бюджет маблағларини самарали ва мақсадли фойдаланиши таъминлаш ҳамда танлов ғолиблари томонидан бажарилган ишларни белгиланган тартибда Ишчи гуруҳи тузган ҳолда доимий равишда қабул қилиниб олинишини ҳамда йил якунига қадар тўлиқ тугатиш чораларини кўриш;

1 ноябрга қадар тик суғориш қудуқларидан чиқарилаётган сув миқдорларининг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида режалаштирилган 939 та сув ҳисоблаш воситалари ўрнатилишини ҳамда 9 та насос станцияларда энергия аудит текширувлари ўтказилишини таъминлаш;

1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025–2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–454-сон қарори билан тасдиқланган 2025 йил Манзилли рўйхатига киритилган барча ирригация ва мелиорация объектларига ажратилган маблағларни тўлиқ ўзлаштирилишини ва қурилиш-таъмирлаш ишларини якунланишини таъминлаш;

10 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-250-сон қарорига асосан 15 та насос станцияларга 13,9 МВт қувватдаги қуёш панеллари ўрнатилишини сўзсиз бажариш;

ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланган ҳар ҳафталик Режа-график асосида ҳудудларда ўқув-семинарларни ўтказилишини тизимли равишда давом эттириш, ҳудудларда ташкил этилаётган ўқув-семинарларда аниқланган хато-камчиликлар ва қолоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш ва натижаси ҳақида ҳар ҳафта якуни билан вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим этиш;

сув хўжалиги объектлари (сув ҳавзалари, дарёлар, кўллар, сув омборлари, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қиргоқлари бўйлаб ажратилган минтақалари) амалда фойдаланиб келаётган ер майдонлари, бино ва иншоотлардан самарали, мақсадли фойдаланишини ташкил этиш;

саноат ва энергетика корхоналарига етказиб берилаётган ҳар ойлик техник сувнинг миқдори ва ҳисоб-китобига аниқлик киритиш;

саноат ва энергетика корхоналарига етказиб берилган техник сув тўловларини ўз вақтида ундириш чораларини кўриш ҳамда хатловлар ўтказиб янги истеъмолчиларни аниқлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ўз вақтида тўловларини амалга оширмаган истеъмолчиларга нисбатан маблағларни ундириш бўйича иқтисодий судларга тегишли даъво аризаларини киритиш;

вазирликнинг тизим ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармасига машина-механизмлар ёрдамида пудрат шартнома тузиш орқали, вақтинча бўш турган бино-иншоотлар ҳамда муҳофаза зоналарини ижарага бериш, металллом топширишдан, ёрдамчи хўжалик ва бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар тушириш чораларини кўриш;

коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

ирригация ва мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари тўлиқ якунлангач, уларни фойдаланишга топшириш олдидан маҳалла оқсоқоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали тадбирлар ўтказиш ва уларни вазирликнинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ёритилишини ташкил этиш;

сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишларини, қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ва уларнинг мазмун моҳиятини соҳада меҳнат қилаётган барча даражадаги раҳбар ва ходимларга етказиш мақсадида газета ва журналларга обунанани ташкил этиш ва уларни мунтазам равишда ўқиб борилишини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш;

Вазирликнинг расмий веб-сайти, матбуот котибининг Телеграм ижтимоий тармоғидаги канали, Facebook ижтимоий тармоғини сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча даражадаги раҳбар-ходим ва ишчилар томонидан ҳар куни кўриб чиқилишини ва ўқиб борилишини ташкил этиш ҳамда вазирлик фаолиятига оид муҳим воқеалар ва тадбирларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида, вазирликнинг расмий веб-сайти, матбуот котибининг Телеграм ижтимоий тармоғидаги канали, Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида изчил ёритиб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

10. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини ташкил қилишни вазир ўринбосари-Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги директори З.Ишпулатов ҳамда вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев ва Ў.Шералиевларга юклаб, уни назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Мазкур қарор лойиҳаси ҳайъат аъзолари томонидан билдирилган таклифлар асосида тўлғазилди ва бир овоздан қабул қилинди.

II. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 6 октябрдаги “Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 10.3/22-25-147-сонли Такдимномасида кўрсатиб ўтилган хато-камчиликлар ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида

(Хамраев, Шералиев, Астанов, Шаропов, Абдуғаниев, Хамраев)

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 6 октябрдаги “Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 10.3/22-25-147-сонли Такдимномаси ўқиб эшиттирилди.

Ҳайъат йиғилишида Такдимномада баён этилган қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқишига идоравий назоратнинг сусайтириб юборилганлиги, соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига масъулиятсизлик билан қараб келинганлиги, мавжуд камчилик ва қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг самарали чоралари кўриб борилмаганлиги сабаб бўлганлиги қайд этиб ўтилди.

Шундан сўнг, вазир ўринбосари Ў.Шералиев ҳамда Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори в.б С.Астановларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 6 октябрдаги 10.3/22-25-147-сонли Такдимномасида қайд этилган хато-камчиликлар ва қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 6 октябрдаги 10.3/22-25-147-сонли Такдимномасида қайд этилган хато-камчиликлар ва қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 6 октябрдаги 10.3/22-25-147-сонли Такдимномаси **раҳбарлик ва изроо учун қабул қилинсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 6 октябрдаги 10.3/22-25-147-сонли Такдимномасида кўрсатиб ўтилган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳолатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан “Йўл харитаси” **иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Вазир ўринбосари Ў.Шералиев ҳамда Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори в.б С.Астановлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 февралдаги “Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташиқлотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-51-сон қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар **қониқарсиз деб топилсин.**

3. Соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига масъулиятсизлик билан қараганлиги, мавжуд камчилик ва қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқламаганлиги ҳамда бартараф этишнинг самарали чораларини кўрмаганлиги учун Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази юристи Э.Шерматовнинг *эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.*

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 февралдаги ПҚ-51-сон қарори топшириқлари ижросини таъминлашга эътиборсизлик билан ёндошганлиги, хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича хорижий ҳамкорлар билан самарали мулоқотни йўлга қўймаганлиги, лойиҳаларини амалга оширишда ишларни ташкиллаштириш, уларни ишга тушириш борасида қатор хато ва камчиликлар, шунингдек жиддий қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишдан қўзланган мақсадларга тўлиқ эришилмаётганлиги учун Вазир ўринбосари Ў.Шералиевга *огоҳлантириш эълон қилинсин.*

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 февралдаги ПҚ-51-сон қарори топшириқлари ижросини таъминламаганлиги, лойиҳаларини амалга оширишда жиддий қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2025 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги учун Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори в.б С.Астановга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ *“ҳайфсан” эълон қилинсин.*

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 февралдаги ПҚ-51-сон қарори топшириқлари ижросини таъминламаганлиги, Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги *“Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 118 та насос станцияларини модернизация қилиш”* лойиҳаси доирасида 2 ва 3 - пакетлар бўйича бош пудратчи билан шартномалар имзоланишини кечиктириб юборганлиги ҳамда 2025 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижросини таъминламаганлиги учун Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари Ж.Абдуллаевга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ *“ҳайфсан” эълон қилинсин.*

7. Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори в.б С.Астанов ушбу ҳайъат қарори билан интизомий жавобгарликка тортилган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбарларига нисбатан қўлланилган жазони расмийлаштириш бўйича *2 кун муддат ичида “Интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида”ги* буйруқ лойиҳасини киритсин.

8. Вазир ўринбосари Ў.Шералиев ҳамда Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори в.б С.Астановларга:

икки кун муддат ичида мазкур ҳайъат йиғилиши қарорини ҳар бир ходимга ўқиб эшиттириш, унинг мазмун-моҳиятини етказиш, соҳадаги мавжуд қолоқликларни белгиланган муддатларда, сифатли ва тўлақонли таъминламаган тақдирда интизомий жазо чораси муқаррарлиги ҳақида расман огоҳлантириш орқали барча даражадаги раҳбар ва ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш;

ушбу Тақдимномада қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан вазирлик томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган *“Йўл харитаси”*да белгиланган топшириқларнинг ўрнатилган муддатларда, тўлақонли ва сифатли қилиб таъминланиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатиш;

жорий йилнинг 15 декабрига қадар “Қашқадарё вилоятида ирригация инфратузилмасини реконструкция қилиш” ва “Бухоро, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ирригация инфратузилмасини реконструкция қилиш” лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини келишишиш ва қарз битими имзоланишини ташкил этиш;

ҳар ҳафтанинг жума кунлари “Йўл харитаси”да белгиланган топшириқларнинг ижросини вазир ўринбосарлари ҳузурида танқидий руҳда муҳокама қилиб, барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

9. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини ташкил қилишни вазир ўринбосари Ў.Шералиевга юклаб, уни назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ушбу қарор лойиҳаси ҳайъат аъзолари томонидан билдирилган таклифлар асосида тўлғазилди ва бир овоздан қабул қилинди.

III. 2025 йилнинг III-чорагида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари бўйича амалга оширилган ишларни баҳолаш тўғрисида

(Хамраев, Қаршиев, Шералиев, Ишпулатов, Хамраев)

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Ў.Шералиев ва Вазир ўринбосари - Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги директори З.Ишпулатовларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 апрелдаги 265-сонли қарори билан тасдиқланган 2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 апрелдаги 265-сонли қарори билан тасдиқланган 2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ижросини таъминлаш бўйича Сув хўжалиги вазирининг ўринбосарлари томонидан жорий йилнинг III-чорагида фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни танқидий таҳлил ва муҳокама қилиб чиқиб, фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилиши бўйича уларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосарлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 апрелдаги 265-сонли қарори билан тасдиқланган 2025-йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар *этарли талаб даражасида эмас деб топилсин.*

2. 2025 йилнинг III-чораги якунлари бўйича жорий йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ижросини таъминлаш юзасидан:

Вазирнинг биринчи ўринбосари (Вакант) фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилиши баҳолаш 8 та асосий мезонларда белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 100 фоизни;

Вазирнинг ўринбосари Р.Қаршиевнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолаш 10 та асосий мезонларда белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 100 фоизни;

Вазирнинг ўринбосари Ў.Шералиевнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолаш 8 та асосий мезонларда белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 87.3 фоизни;

Вазирнинг ўринбосари З.Ишпулатовнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолаш 9 та асосий мезонларда белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 100 фоизни ташкил этганлиги инобатга олинсин.

Вазирнинг биринчи ўринбосари (Вакант), Вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, ва З.Ишпулатовларнинг фаолият кўрсаткичлари **“аъло” деб баҳолансин.**

Вазир ўринбосари Ў.Шералиев, фаолият кўрсаткичлари **“яхши” деб баҳолансин.**

Белгилаб қўйилсинки, ҳисобот даврида фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари режа кўрсаткичларини баҳолаш рейтинги натижаларига кўра, фаолият самарадорлиги **қониқарсиз** деб топилган тақдирда Вазир ўринбосарларининг масъулияти юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилади.

3. Вазирнинг биринчи ўринбосари (Вакант), Вазир ўринбосарлари Ў.Шералиев, Р.Қаршиев ва З.Ишпулатовларга:

2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ижросини сўзсиз таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясини **“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”**ги ПФ-16-сонли Фармони билан тасдиқланган амалий тадбирлар режасида жорий йилга белгиланган топшириқларга асосий эътиборни қаратиш;

вазирлик томонидан ишлаб чиқиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, дастурлар, таклифлар ва чора-тадбирларга аниқлик киритиб уларнинг рўйхатини шакллантириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни камида **45 кун олдин** бошлаб, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ваколатли органлар билан келишилган ҳамда Адлия вазирлигининг ҳулосасини олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларини таҳлил қилиб, ушбу топшириқлар ичидан маблағ талаб қилинадиган ва хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Халқаро молия институтлари ва чет эл инвестициялари билан боғлиқ масалалар бўйича биринчи навбатда шуғулланиб, уларни тўлақонли ва сифатли таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

топшириқларни ижро муддатидан барвақт бажариш бўйича олдиндан зарур чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш, юзага келаётган ҳар бир муаммоли масалани Вазир ўринбосарлари, лозим бўлса Вазир ҳузурида муҳокама қилиб, ҳамкорлик ва мулоқот асосида ҳал этиш;

4. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д.Алиқулова ҳамда Стратегик режалаштириш ва методология бўлими бошлиғи С.Мусурмоновларга:

ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 3-санасига қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари фаолиятининг 2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сонли қарори билан тасдиқланган 2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)нинг ҳисобот даври (чораклик) якуни бўйича натижаларни (маълумот ва таҳлилий материалларни) ҳайъат йиғилиши муҳокамасига киритиб борилишини таъминлаш;

ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотни Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг “самарадорлик.уз” электрон платформасига киритиши ҳамда унда раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги рейтинги шакллантириш борасида ҳамкорликда ишлаш;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар Вазирлик ҳайъат йиғилишида Вазир ўринбосарларининг фаолият самарадорлиги кўрсаткичларининг натижалари бўйича таҳлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Ахборот хизмати бошлиғи Ш.Суюнов Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ўринбосарларининг 2025 йилнинг III-чораги фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, теле ва радиоканаллар, Вазирликнинг расмий веб-сайти, Вазирликнинг Телеграм ижтимоий тармоғидаги канали, Фасэбоок ижтимоий тармоғидаги саҳифасида изчил ёритиб борилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Мазкур қарор лойиҳаси ҳайъат аъзолари томонидан билдирилган таклифлар асосида тўлғазилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилиши якунида ҳайъат раиси Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига бугунги ҳайъат йиғилиши қабул қилган қарор асосида **2 кун муддатда** жойларда 2025 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалаларни танқидий руҳда муҳокама қилиб, уларни зудлик билан бартараф этиш ва ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан вилоят, туман ва ҳар бир сув хўжалиги объекти кесимида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2025 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш юзасидан тегишли топшириқ ва тавсиялар берди.

Vazir



Sh.Xamrayev